

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.М.Абдурахмонова

доцент, “Ижтимоий иш” кафедраси мудири,

А.Ф.Турғунбоев

магистрант, Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199536>

Аннотация: Уибу мақолада жамоатчилик фикрининг келиб чиқиши омиллари, шакллари ва фаолият йўналишилари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: жамоатчилик фикри, жамият, тадқиқот, шахс, фаолият, жамоа.

FACTORS OF PUBLIC OPINION, FORMS AND DIRECTIONS OF ACTIVITY

Abstract: This article examines the factors of emergence, forms and directions of public opinion.

Keywords: public opinion, society, research, personality, activity, community

ФАКТОРЫ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ, ФОРМЫ И НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: В статье рассматриваются факторы возникновения, формы и направления общественного мнения.

Ключевые слова: общественное мнение, общество, исследование, личность, деятельность, сообщество.

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятнинг ҳам ўзига хос бўлган тарихий босқичлари ҳамда тараққий этиб келаётган турли шакллари мавжуд бўлади. Жамоатчилик фикри тушунчасини ўрганишда аввало, “жамоатчилик” тушунчасининг шакл ва мазмунига эътибор қаратиш зарур. Маълумки, тилимизда “жам”, “жамоа”, “жамоат” ва “жамият” каби атамаларимиз мавжуд. Бу сўзларнинг ўзагида “жам” ибораси туради. Бу ибора орқали биз кишилар грухини бир жойга йиғилиши, тўпланганлигини тушунамиз. Ўз навбатида йиғилган кишилар грухи, янада аниқроқ мазмунга эга бўлган “жамоа” деб номланади. Масалан, маҳалла, қишлоқ аҳолиси, бир ташкилотга аъзо бўлган кишилар умумий ном билан, ҳурмат юзасидан жамоа деб, аталади. Тилимизда жам ўзагига эга бўлган яна бир атама – “жамоат” ҳам кўп ишлатилади. Жамият атамаси, инсоният тарихий тараққиётининг муайян босқичида шаклланадиган барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисини ифодалайди[1]. Собиқ шўролар даврида чоп этилган “Философия луғати”да “жамоа” атамасига умумий тарзда изоҳ берилган. Унда жамоа атамаси бевосита ва тўғридан-тўғри кишилик тарихидаги ибтидоий жамоа тузими даврининг хусусиятлари билан боғланади ҳамда асосий иқтисодий ячейкаси сифатида кўрсатилади[2].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шунингдек, мазкур нашрда “Жамоатчилик фикри” тушунчасига ҳам изоҳ берилган. Унда таъкидланишича, “**жамоатчилик фикри** – афкор омма манфаатларининг муштарақлиги билан боғлиқ бўлган кишиларнинг бирон-бир социал группалари, бирлашмаларининг ғайри расмий оммавий онги шаклидаги ижтимоий онгнинг ўзига хос мавжудлик усули бўлиб, бу усулда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги воқеалар ёки ҳодисаларга, партиялар, муассасалар ва шахсларнинг фаолиятига муносабати қайд этилади”[3]. Изоҳда жамиятда жамоатчилик фикрининг хилма-хиллиги ва синфий характеристига асосий урғу берилади. Аммо жамоатчилик фикрининг жамият ривожланиши ва демократик

қадриятларни қарор топишидаги муҳим ролига мутлақо эътибор қаратилмаган. Аксинча, жамоатчилик фикрига “ғайри расмий” онг шакли сифатида қаралади. Энг ачинарлиси, жамоатчилик фикри социализм шароитида “...табиати ва ҳарактери тубдан ўзгаради, фикрлар кураши антогонистик ҳарактерга бўлмайди ва фикрлар ўртасидаги тафавутлар туб манфаатларнинг муштараклиги ва жамият аъзолари коммунистик онгининг ўсиши туфайли бартараф қилинади...”[4] деган сохта ва асосланмаган хулосалар берилади. Жамоатчилик фикри атамасига шундай бир томонлама изоҳни Энциклопедик лугатда ҳам кўриш мумкин. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, юқоридаги философия лугатидан фарқли ўлароқ бу манбада “...жамоатчилик фикрининг фаоллиги ва аҳамияти жамиятнинг синфий структураси ҳарактери, ишлаб чиқарувчи кучларнинг, маданиятнинг, демократик ҳуқуқий нормалар ва эркинликларнинг тараққиёт даражаси билан белгиланади...”[5] деб ўринли таъкидланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Бу изоҳларга эътибор берилса, жамоатчилик фикрининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, жамиятда демократик тамойилларни қарор топтиришдаги етакчи ўрни ва роли, фикрлар хилма-ҳиллиги жамият тараққиётининг асосий омили эканлиги ўз ифодасини топмаган.

“Жамоатчилик фикри” атамаси инглизча Public opinion сўзидан олинган ва ўз маъносида қўлланилиб келинган. Дастроб бу атамадан XVII асрларда Англияда, XVIII аср охиридан бошлаб эса бошқа мамлакатларда ҳам фойдаланила бошланди[6]. Жамоатчилик фикри атамаси тарихий давр нуқтаи назардан олганда, Европада йирик саноат ишлаб чиқаришини гуркираб ривожланиши ҳамда шаҳар аҳолиси сонининг ўсиши билан узвий боғлаш мумкин.

Таълим муассасаларида таълимни бошқариш ва ўқув жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, таълимда бошқарув ва бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги, асосан таълим сифатига таъсири этувчи бошқа инструментлар қатори, жамоатчилик фикри асосида шаклланган натижалар ҳисобига амалга оширилмоқда. Билимлар иқтисодиёти шароитида сунъий интеллект билан бир қаторда жонли (онг) интеллект усулларидан фойдаланган ҳолда таълим тизимлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, чунки мактаб таълимида жамоатчилик фикри натижаларидан фойдаланиш орқали таълим муассасаси жараёнларининг заиф тузилмаси, мураккаблиги ва кучли томонлари аниқлаб олинади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ижтимоий фикр асосида шаклланган таълимни бошқариш соҳасидаги техник, ташкилий ва бошқарув қарорларини ижтимоий интеллектуал қўллаб-куватлаш усуллари кенг тарқалмоқда ва бу ташкилотларнинг бошқарув амалиётлари, хусусан, таълим менежменти орасида ўзларининг ажойиб самарадорлигини исботламоқда. Шу билан бирга, ижтимоий фикр асосида шаклланган интеллектуал ёндашувлар ва усуллар ижтимоий ҳамда техник тизимларнинг ўйғун ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонова М.М. Мактабларда самарали қарор қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурияти. Ижтимоий тадқиқотлар журнали 1-максус сон. Т.2021й.192-бет.
2. Философия луғати. Русча нашрдан таржима, “Ўзбекистон” нашриёти, 1976, 158-бет

3. Философия луғати. Русча нашрдан таржима, “Ўзбекистон” нашриёти, 1976 й.
4. Философия луғати. Русча нашрдан таржима, “Ўзбекистон” нашриёти, 1976, 159-бет
5. Энциклопедик луғат. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, Тошкент, 1988, 274-бет
6. М.Абдурахмонова. Ижтимоий бошқарувда жамоатчилик фикри самарали қарор қабул қилиш омили. №004201муаллифлик хуқуқи гувоҳномаси.2021 йил 10 декабрь.
7. Абдурахмонова, М. М. (2021). НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ДЛЯ ПРИНЯТИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ РЕШЕНИЙ В ШКОЛЕ. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.
8. Абдурахмонова, М. М. (2021). МАКТАБЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).
9. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).
10. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
11. Abdurahmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1181-1186.
12. Yuldashev, I. A. (2020). Pedagogical Bases Of Formation Of Social Activity In Pedagogical Sciences. *Теория и практика современной науки*, (5), 67-69.
13. Yuldashov, I., & Goynazarov, G. (2021). A need to improve the institutional system for increasing the social activity of young people at the stage of development. *Интернаука*, (12-3), 18-19.
14. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.
15. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
16. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АҲБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
17. Madaliyeva, F., & Abduraxmonova, M. (2021). О ‘ZBEKISTONDA MAKTAB BITIRUVCHI O ‘QUVCHILARINI KASB-HUNAR BILAN TA’MINLASHDA IJTIMOIY ISH AMALIYOTI. *Студенческий вестник*, (8-3), 94-95.
18. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). ROLE OF ETHICAL CULTURE IN PREVENTING VIOLENCE AMONG SPUPILS. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
19. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.